

Икки ҳайит намози ва аҳкомлари

«Рисалатун фил фикҳил муяссар» китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Доктор Солиҳ ибн Ғоним Садлон



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий

Мухаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

صلاة العيدين وأحكامها

مقتبس من كتاب "رسالة في الفقه الميسر"

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



د. صالح بن غانم السدلان



ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Икки ҳайит намозлари

Икки ҳайит намозларининг машруъ қилиниш хикмати

Ҳайит намози — Исломи динининг зоҳирий аломатлари ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматининг хусусиятларидан бири бўлиб, унда Рамазон ойи рўзасини адо этганлик ва Аллоҳнинг Ҳаром уйини ҳаж қилиш неъматини учун Аллоҳ азза ва жаллага шукрона рўёбга чиқади. Бинобарин, ҳайитда мусулмонлар ўртасида ўзаро меҳрибонлик, ғамхўрлик, бирлик ва кўнгиллар софлиги учун қақирқ бордир.

Ҳайит намозининг ҳукми

Ҳайит намозини ўқиш фарзи кифоя бўлиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ундан кейинги хулафойи рошидинлар мудом ўқишган намоздир.

Ҳайит намози ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун суннати муаккада бўлиб, сафарда эмас, ўз турар-жойида яшаётган одамлар учун машрудир.

Ҳайит намозининг шартлари

Ҳайит намозининг шартлари жума намозининг шартлари кабир. Фақатгина, ҳайит намозларидаги икки хутба намоз ўқилганидан кейин қилинади.

Ҳайит намозининг вақти

Ҳайит намозининг вақти эрталаб кўёшнинг бир найза узунлигида кўтарилишидан то завол пайтигачадир. Агар Ҳайит куни экани завол пайтидан сўнгра маълум бўлса, Ҳайит намози эртасига ўз вақтида қазо ўлароқ ўқилади.

Ҳайит намозининг ўқилиш шакли

Ҳайит намози Умар разияллоху анхунинг қуйидаги қавлига кўра, икки ракаатдир: «Рўза ва Курбон ҳайити намозлари Пайғамбарингизнинг тилида икки ракаатли бўлиб, қаср қилинмай тўла (икки ракаат) ўқилади. Бунга ифтиро қилганлар ноумид бўладилар» [Ибн Можа «Намозни тўқис адо этиш ва ундаги суннат» (1064), Имом Аҳмад (1/37)].

Ҳайит намозини хутбадан илгари ўқилади.

Биринчи ракаатда такбири таҳримадан сўнгра ва «Аъзузу биллаҳи»ни айтишдан илгари олти марта, иккинчи ракаатда эса қироатни бошлашдан илгари беш марта такбир айтилади.

Ҳайит намози ўқиладиган жой

Ҳайит намози очикликда (кенг майдонда) ўқилади. Зарурат туғилганида эса масжидларда ўқилса ҳам бўлаверади.

Ҳайит намозининг суннатлари

Намозлардан сўнгра (замонга) чекланмаган тарзда (ҳар жойда) такбир айтиш ва уларни икки ҳайитга ўтар кечаси товушли айтиш суннатдир. Чунки Аллоҳ таоло:

﴿وَلْتَكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلْتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَاكُمْ﴾

«Бу санокни тўлдиришингиз ва хидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учундир», деган (Бақара: 185).

Имом Аҳмад раҳимахуллох: «Абдуллоҳ ибн Умар ҳар икки ҳайитда такбир айтар эди», деди.

(Аллоҳ таоло) Зул-ҳижжа ойининг (биринчи) ўн куни ҳақида шундай деди:

﴿وَيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَّعْلُومَاتٍ﴾

«Аллоҳнинг исмини муайян кунларда зикр қилишингиз учун ...», деган (Ҳаж: 28).

(Муайян замонларга) чекланган такбирлар эса, намозлардан сўнгра айтилади ва улар Қурбон ҳайитига хос бўлиб, эҳромда бўлмаган одам Арафа кунининг бомдодидан то Ташриқнинг охиригача айтади.

Муктадийнинг намозга эрта бориши, имомнинг эса намоз ўқиладиган вақтгача кечикиб келиши суннатдир. Ҳайит намозига бораётган одамнинг покланиши, энг чиройли кийимларини кийиши суннат бўлиб, хотин-қизлар (Ҳайит намозига чиқиш учун) пардоз қилишмайди.

Ҳайитнинг суннатлари

Қурбон ҳайити намозини эрта, Рўза ҳайити намозини кечроқ ўқиш суннатдир.

Рўза ҳайити намозига чиқишдан илгари тоқ сонли хурмо ейиш, Қурбон ҳайити намози учун чиқар экан қурбонлигидан тоттиш учун оғизга бирон нарса олмай чиқиш, суннатдир.

